

ПАХТАНИ ЮКЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТИ

Абдуллаев Шарофиддин Юусуп ўғли

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Маллаев Орифжон Самад ўғли

Термиз муҳандислик-технологиялар институти

Аннотация: Ушбу мақолада пахтани ёпиқ ва очиқ омборларга жойлаштириш учун ишлаб чиқилган желоб тўғрисида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар: Пахта, сифат, сақлаш, намлик.


Аннотация: В данной статье представлена информация о желобе, предназначенном для размещения хлопка в закрытых и открытых складах.

.Ключевые слова: Хлопок, качество, хранение, влага.

Annotation: This article provides information about a chute designed to accommodate cotton in indoor and outdoor warehouses.


Key words: Cotton, quality, storage, moisture.

Пахтани юклаш ва ғарамлаш кўп меҳнат талаб қиладиган ҳамда уни бир текисда ёпиқ омборга тақсимлашни таъминлаш оғир ишлардан бири ҳисобланади. Бундай омборларнинг камчилиги кўрсатиб ўтилганидек, ғарамлаш жараёнининг мураккаблиги ҳамда уларнинг фойдали ҳажмидан фойдаланишда тўлдириш коэффицентининг пастлиги ҳисобланади. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида биз томонимиздан 1(а,б)-расмда келтирилган пахтани таъминлаш-тақсимлагичнинг янги схемаси ишлаб чиқилди.



1-желоб; 2,3-қурилманинг секциялари; 4-шнек; 5,7,8-кронштейнлар;
6-кулачокни ҳаракатлантирувчи вал; 9,10-кулачоклар; 11,12-резинали ҳалқа;
13,14-консолли ричаглар; 15,16-шарнирлар.

1а-расм. Пахтани таъминлаш-тақсимлагичнинг умумий схемаси



16-расм. Таъминлагич-тақсимлагичнинг қирқим кўриниши

Қурилма қуйидаги тартибда ишлайди. Желобдаги пахта шнекнинг илгариланма-қайтма ҳаракати натижасида желобнинг узунлиги бўйича сурилиб боради. Желобнинг пастки қисми қўзғалувчан кўринишдаги секциялардан ясалган, уларнинг ҳар бири иккита ярим қисми шарнирли бирикмалардан тузилган бўлиб, кулачок билан ўзаро таъсирлашувчи консолли ричагларга эга. Кулачок профилига боғлиқ шнекка нисбатан ўзаро жойлашиш ҳолатини ўзгартиради, масалан, чилади ёки ёпилади. Кулачок профили шундай йиғилганки, желобнинг битта участкаси очилганда бошқаси ёпилган ҳолатда бўлади. Бу эса пахтани керакли жойга ҳамда белгиланган вақтда узатишни таъминлайди. Очилиш даврида секцияларнинг мос жуфтлигида пахтанинг қурилмадан тушиши рўй беради. Шу тарзда винтли конвейернинг барча секцияларида аниқ қонуният бўйича навбат билан секцияларнинг очилиш ва ёпилиш ҳолати содир бўлиб, буни натижасида қурилмадан пахтани узлуксиз тушиши рўй беради.

Тақсимлаш қурилмасини аввалгилардан асосий фарқи шундаки, винтнинг бошланғич қисмидан охирига қараб унинг шакли конус шаклида кичрайиб боради. Бундан ташқари винтнинг қадами ҳам кичрайиб бориб, бундай конструкция пахтани конвейерни охириги нуқталарига бир текисда етиб боради, натижада конвейер узунлиги бўйича пахта қатлами бир текисда тақсимланади.

Таклиф этилаётган конструкцияда тақсимланиш жараёнини кўп маротаба такрорланишига эришилади, демак бу тўкилган қатламни сезиларли даражада бир текис тақсимланишини оширади. Шунинг ҳисобига омборнинг бутун ҳажми бўйича пахтани бир текис тақсимланиши таъминланади. Таклиф этилаётган қурилманинг асосий вазифаси омборнинг умумий ҳажмига пахтани бир текис тақсимлашни таъминлаш орқали омборларнинг фойдали майдонидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун желобнинг асосий ишчи

органларининг геометрик параметрларини, тўлдириш коэффициентини ҳамда ён томонлама ишқаланиш кучини желобнинг баландлиги бўйича босимнинг тарқалишига таъсири масалаларини ўрганиш зарурдир. Ишлаб чиқилган желобдан пахтани тушишини ҳисоблаш схемаси желобга узлуксиз ихтиёрий миқдорда келаётган пахтани желобдан “тўлдириш-тушириш” тўлиқ циклини моделлаштириш учун қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029.

2. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF MOISTURE AT DIFFERENT POINTS OF COTTON IN THE GARMENT DURING THE STORAGE PROCESS OF HIGH-HUMIDITY COTTON //Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 83-86.

3. Парпиев А. П. и др. НАМЛИГИ ЮҚОРИ ПАХТАНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНИДА ҒАРМДАГИ ПАХТАНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДАГИ ИФЛОСЛИКНИНГ НОТЕКИСЛИГИ ТАХЛИЛИ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 162-164.

4. Yusup o'g'li A. S. et al. SELECTION OF TECHNOLOGY AND EQUIPMENT FOR THE PREPARATION OF COTTON STORAGE AT HIGH MOISTURE //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – Т. 2. – №. 4.

5. Абдуллаев К. Ю. и др. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ПАХТА САҚЛАШ ТАЖРИБАСИ ТАХЛИЛИ //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 133-135.